Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: QJ47106220

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA

**№-95**

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi

Darxon ilmiy tajriba xo`jaligi Ta'minotchi" va Toshkent davlat o`rmon xo`jaligi "Iste'molchi" o'rtasida Mahsulot yetkazib berish to`g`risidagi shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Shartnoma loyihasi Toshkent davlat o`rmon xo`jaligi tomonidan 2022 yil 31 yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyihani rasmiylashtirishda, O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi 364, 366-moddalari, O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi 670-I-son Qonunining 10-moddasi talablariga rioya qilingan, yetkazib beriladigan mahsulot (Chinor, Qrim sasna niholi ko`chatlari) tovarlari miqdori, narxi 135 450000 (bir yuz o`ttiz besh million to`rt yuz ellik ming ) so`m, hisob-kitoblar, tomonlarning javobgarligi, nizolarni hal etish tartiblari qayd etilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti** **J.Mavlonov**

02.10.11.202
ПСС

**Махсулот етказиб бериш шартномаси**
**« 21 » – сонли**

« 4 »Феврал 2022 йил Тошкент вил.

Дархон - илмий тажриба хўжалиги, бундан буён **"Таъминотчи"** деб аталувчи, рахбари М.Тулаков низом асосида иш юритувчи бир томонидан **ва Тошкент давлат ўрмон хўжалиги** бундан буён **"Истеъмолчи"** деб аталувчи, рахбари М.Позилов, Устав асосида иш юритувчи, иккинчи томонидан куйидагилар тўгрисида шартнома тузадилар:

**1.Шартнома предмети**

1.1. "Таъминотчи" эхтиёжи учун лозим бўлган товар-моддий бойликларни етказиб беради. "Истеъмолчи" эса товар-моддий бойликларни кабул килиб мазкур шартнома шартлари асосида тўловларни амалга оширади.

**2. Товар-моддий бойликларнинг нархи ва умумий киймати**

2.1. Товар-моддий бойликларнинг киймати Республикамиз миллий валютасида белгиланади.

| № | Товар-моддий бойликнинг номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи | Умумий суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Чинор (3,0-3,5 метр) | дона | 465 | 130 000 | 60 450 000 |
| 2 | Крим сасна нихоли | дона | 5 000 . | 15 000 | 75 000 000 |
| | Итого | | 5465 | | 135 450 000 |

2.2. Шартноманинг умумий **киймати Бир юз ўттиз беш миллион тўрт юз эллик минг сўм. ҚҚСсиз**
(сумма ёзувда кўрсатилиши лозим)

2.3. "Таъминотчи" товар-моддий бойликларнинг киймати (нархи) ошганлиги натижасида ўзгарганда, "Истеъмолчи"ни олдиндан хабардор килади, товар-моддий бойликларни ўзгарган нархда томонларнинг келишувига асосан кўшимча шартнома тузилади.

2.4. "Истеъмолчи" ўзгарган нархлар бўйича кўшимча шартномага асосан тўловларни амалга ошириши лозим.

**3. Тўлов шартлари**

3.1 "Истеъмолчи" етказиб бериладиган махсулотнинг умумий нархининг **30 %** олдиндан, колган **70 %** эса товар-моддий бойликларни кабул килиб олгандан сўнг 5 банк куни ичида тўлаши шарт.

3.2. "Истеъмолчи" мазкур шартноманинг 3.1 банди талаблари бажарилмаган такдирда "Таъминотчи" шартномада кўрсатилган махсулотларни бермасликка хакли.

3.3. "Таъминотчи" товар-моддий бойликларини ўз вактида етказиб бермаса, бунинг натижасида иккала томонга хам жиддий зарар етказилса "Истеъмолчи" бир томонлама шартномани бекор килишга хакли.

**4. Товар-моддий бойликларни етказиб бериш тартиби**

4.1. Товар-моддий бойликни белгиланган вактида "Истеъмолчи" "Таъминотчи"нинг омборхонасидан олади.

4.2. Товар-моддий бойликларни етказиб бериш тартиби ушбу шартноманинг 3.1 бандига асосан пул маблағлари "Таъминотчи"нинг хисоб ракамига ўтказилгандан сўнг бир ой давомида бажарилиши шарт.

4.3. Товар-моддий бойликлар тегишли тартибда расмийлаштирилган ишончнома таклим этилгандан сўнг "Истеъмолчи"нинг ишончли вакилига, шахсини тасдикловчи хужжатлар асосида чикарилади.

4.4. Ишончнома нотўғри расмийлаштирилган холда "Таъминотчи" товар-моддий бойликларни чикаришдан бош тортишга хакли.

4.5. "Истеъмолчи" товар-моддий бойликларни "Таъминотчи"нинг омборидан олиб кетиш харажатларини ўз зиммасига олади.

**5. Томонлар мажбуриятлари**

5.1. **"Таъминотчи" мажбуриятлари:**

– Шартноманинг 3.1 банди ўз вактида амалга оширилгандан сўнг "Истеъмолчи"га шартномада кўрсатилган товар-моддий бойликларни бериш;

– Товар-моддий бойликни етказиб келтирилганлиги хакида "Истеъмолчи"ни хабардор килади.

5.2. **"Истеъмолчи" мажбуриятлари:**

– товар-моддий бойликларни кабул килиб олгунга кадар "Таъминотчи"нинг омборхонасида кўздан кечиради ва унинг сифатига, бутунлигига, яроклилигига эътибор бериб текшириб олади.

– агар товар-моддий бойликлар талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз, истеъмолга яроксиз бўлса, "Истеъмолчи" товар-моддий бойликларни кабул килмасликка ва ўрнига бошкасини алмаштириб беришни талаб килишга хакли.

– товар-моддий бойликлар "Таъминотчи"нинг омборхонасида "Истеъмолчи" кабул килиб олингандан сўнг жавобгарлик тўлик "Истеъмолчи" зиммасига юкланади.

**6. Тарафлар жавобгарлиги**

6.1. Томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган такдирда Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик Кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўгрисида"ги Конунига ва бошка конун хужжатларига асосан жавобгар бўладилар.

6.2. Тўловлар шартномада кўрсатилган муддатлардан кечиктирилган такдирда, "Истеъмолчи" кечиктирилган хар бир кун учун шартнома умумий суммасининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пеня шартноманинг умумий тўлов суммасини 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3. Товар-моддий бойликларини етказиб бериш кечиктирилган такдирда, "Таъминотчи" кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пеня шартноманинг умумий тўлов суммасини 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.4. Пеня тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

6.5 "Истеъмолчи" томонидан товар-моддий бойликларни ишлатилиши жараёнида содир этилган конун бузилиши холатлари учун "Таъминотчи" жавобгар бўлмайди.

6.6. Шартномасининг амал килиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

**7. Шартномага ўзгартириш киритиш ва уни бекор қилиш тартиби**

7.1. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки шартноманинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

7.2. Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд қарорига биноан фақат иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузган ёхуд қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

7.3. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

**8. Қўшимчалар**

7.1 Икки томоннинг ўзаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар қонуний кучга эга бўлади. Ўзгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Илова икки томоннинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

**9. Форс-мажор.**

8.1 Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмайдиган куч мавжуд бўлган холда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайди.

**10. Шартноманинг амал қилиш муддати.**

9.1 Мазкур шартнома имзолангандан кундан кучга киради ва **“ 31 ” декабрь 2022** йилгача амал қилади.

9.2 Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки нусхаси ҳам тенг ҳуқуқий кучга эга бўлиб, банк ҳисоб китобларини амалга оширишга асос бўлади.

**11. Низоларни ҳал этиш тартиби**

11.1. Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан, шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки тарафларнинг келишувига биноан – иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

**12. Томонларнинг юридик манзиллари**

| **“ТАЪМИНОТЧИ”** | **“ИСТЕЪМОЛЧИ”** |
|---|---|
| **“Дархон” илмий-тажриба хўжалиги** | Номи Тошкент давлат ўрмон хўжалиги |
| Манзил: Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Дархон МФЙ, Чимкент йўли 18-уй тел:2251034 | Манзили Тош. вил. А.Темур 57. |
| Х/р: 20210000904409172001, | Х/р 23402000300100001010. |
| ИНН: 205693159, МФО: 01122 | СТИР [illegible] ОКОНХ |
| ХАТБ “DAVR BANK” Юнусобод филиали | Банк Молия вазирлиги Марказ банк боши, Тош. Тошкент шхр: 400121860272507041203142001 ИНН: 200663214. |

**Директор:** **М.Тулаков** **Раҳбар:** М.Турсунов

**Ҳуқуқшунос:** **М.Сотволдиев**

(Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъ[illegible] ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига мос равишда тузилган)